

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 15 сентябрь • №34 (1418)

УЛКАН СИЁСИЙ ВОҚЕА

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДАГИ ДУНЁДА МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўғри келди – бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда ҳамда башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда.

Халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир. Бунинг асосий сабабларидан бири – глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончининг чуқур таназзулга юз тутаётгани билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида геосиёсий қарама-қаршиликларга рағбат бериб, “блокларга мансублик” стереотипларининг қайта туғилиш хавфини юзага келтирмоқда. Давлатлар ўртасидаги бундай ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштирмоқда.

Дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган қуроли моҳаролар савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларини янада кескинлаштирмоқда.

Шу билан бир қаторда, глобал иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари танқислигининг ортиши, биохилма-хилликка путур етиши ҳамда хавфли юкумли касалликлар тарқалиши жамиятларимизнинг заиф томонларини янада яққолроқ кўрсатиб бермоқда. Бу муаммолар инсоният тақдирига бевосита дахлдор бўлган муштарак кадрят ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солмоқда, уларнинг даромад манбаларини қисқартирмоқда.

Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас.

Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишининг яққою ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айнан инқироз ва бўҳронлар даврида мамлакатлар, улар хоҳ катта, ўрта ёки

кичик бўлсин, ўзларининг тор доирадаги манфаатларини устун қўймасдан, аксинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратишлари лозим. Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши умумий саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш барчамиз учун бирдек манфаатлидир.

Самарали халқаро ҳамкорлик – бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилidir. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади.

МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ

Барчанин ва ҳар бир томоннинг манфаатларига жавоб берадиган халқаро ҳамкорликни кўп томонлама институтларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ушбу институтлар фаолиятидаги муайян камчиликларга қарамадан, улар минтақавий ва глобал миқёсда давлатлараро ҳамкорликнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар мамлакатлар ўртасидаги турли келишмовчиликларни енгиб ўтиш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотиқни кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Бу ташкилот маданий-цивилизация қарашлари турлича, ўз ташки сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилмадир. Тарихан қисқа давр-

да ШХТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

Бугунги кунга келиб ШХТ ҳамжамияти – улкан географик маконни камраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир.

ШХТнинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибдорлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган қуйидаги тамойилларда намоён бўлмоқда: Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақият гарови – минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорликни илгари суришдир.

ШХТ ўз моҳиятига кўра, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибатор маконга айланиши лозим.

Шу сабабли ҳам ШХТ фаолиятига қўшилиш истагидаги давлатлар сони йилдан йилга орғиб бормоқда. Бу тенденция халқаро ва минтақавий муносабатлар тизими трансформация жараёнини бошидан кечираётган бугунги шароитда яққол кўзга ташланмоқда.

ШХТ маконидаги давлатларнинг юксак инсоний, интеллектуал ва технологик салоҳиятга, жадал ривожланаётган иқтисодиётларга ва ҳали тўлақонли фойдаланилмаган табиий захираларга эга экани ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ШХТга аъзо давлатлар ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қарийб чорак қисмини ташкил қилмоқда. Бу эса эндигина 20 ёшга тўлган ушбу минтақавий Ташкилот томонидан дунёнинг барқарор ривожланишига қўшилаётган ҳиссасининг салмоғи юксак эканидан далолат беради.

Янги синовлар ва имкониятлар ву-

жудга келаётган бугунги дунёда ШХТнинг трансформацияси ва юксалиши учун нафақат аъзолар сонининг кўпайиши ҳисобига, балки ташкилот ривожининг янги стратегик йўналишларини илгари суриш орқали кенг истиқболлар мавжуд. Бу ўринда гап транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиёт каби муҳим йўналишлар ҳақида бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТДАГИ РАИСЛИГИ: БИРГАЛИҚДА РИВОЖЛАНИШ ОРҚАЛИ УМУМИЙ МУВАФФАҚИЯТ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олгач, асосий эътиборни ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди.

Бизнинг асосий шиоримиз – “**Ҳар биримиз кучли бўлсакгина ШХТ кучли бўлади**”. Уни амалда рўёбга чиқариш йўлида Ташкилотни янада кучли ва халқаро ҳамкорларимиз учун янада жозибатор бўлишига эришиш учун жиддий ҳаракат қилдик.

Йил давомида ўтказилган саксондан ортиқ йирик тадбирлар доирасида ШХТ учун кенг қамровли кун тартиби шакллантирилди. Бунда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишининг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар камраб олинди.

Ўз тараққиётининг янги тарихий босқичида турган ШХТ учун катта истиқболга эга бу йўналишлар Ўзбекистоннинг раислиги даврида тайёрланган ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ШХТга раислиги юргимизда кейинги олти йилда амалга ошириб келинаётган фаол ва очиқ ташки сиёсатнинг мантқий давоми

УЛКАН СИЁСИЙ ВОҚЕА

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДАГИ ДУНЁДА МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК

Давоми. Боши 1 бетда

бўлди. Бу сиёсат, энг аввало, ШХТнинг географик ўзаги бўлмиш, бугунги кунда яхши кўшничлик ва ҳамкорликни мустахкамлаш борасида ижобий ва орта қайтмас жараёнлар рўй бераётган Марказий Осиё минтақасида амалга ошмоқда.

ШХТга аъзо барча давлатлар – энг яқин кўшнилариимиз, дўстларимиз ва стратегик ҳамкорларимиздир.

Ташкилотга раислик бизга улар билан кўп томонлама кооперацияни янада мустахкамлаш баробарида ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янада кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имкониятлар берди.

Шунга ишончим комилки, бугун ШХТ доирасида шаклланган мана шундай ижобий ва муваффақиятли тажрибадан Афғонистонни ривожлантириш масаласида ҳам фойдаланиш ўта муҳим ва долзарбдир. Шак-шубҳасиз, Афғонистон ШХТ маконининг ажралмас қисми саналади. Бугун афғон халқи кўшни ва хайрихоҳ давлатлар кўмагига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Афғонистонга биргаликда ёрдам кўлини чўзишимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашимиз ва шу орқали ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит яратиб бериш бизнинг маънавий бурчимиздир.

Асрлар давомида глобал миқёсдаги давлатлар ва минтақавий куч марказлари ўртасидаги қарама-қаршиликларда буфер ролини ўтаб келган Афғонистон эндиликда Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк вазифасини бажа-

ришдек янги тинчлик миссиясида ўзини намоён этмоғи лозим.

Бундай ўзаро манфаатли минтақаларо ҳамкорликнинг намунавий рамзи сифатида Трансафғон коридорининг қурилиши лойиҳасини айтиш мумкин. Шунга ҳам англаш муҳимки, “Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўли каби кўшма инфратузилма лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш орқали, биз ижтимоий-иқтисодий ва транспорт-коммуникация вазифаларини ҳал этибгина қолмасдан, минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса кўшишимиз мумкин.

Ўзаро позицияларимизни яқинлаштириб, тинч, барқарор ва фаровон Афғонистон учун ШХТнинг янги кун тартибини биргаликда ишлаб чиқа олишимизга аминман. Шундагина том маънода барқарор ва изчил ривожланаётган, яхлит хавфсизликка эга бўлган ШХТ маконини барпо эта оламиз.

«САМАРҚАНД РУҲИ» – ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО АНГЛАШУВ ВА ДЎСТЛИК ИФОДАСИ

Савдо-иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларининг жиддий узилишига олиб келган уч йиллик “пандемия танаффусидан” сўнг ШХТ мамлакатлари ва халқларига тўғридан-тўғри мулоқот зарур.

Буюк Ипак йўлининг дурдонаси бўлган қадимий Самарқанд шаҳри жаҳоннинг ўн тўртта мамлакати етакчиларини Ташкилотнинг ва унга аъзо ҳар бир давлатнинг фаровонлиги ва раванкига хизмат қиладиган янги ва илғор таклиф ҳамда ташаббуслари билан кутиб олишга тайёр.

Ушбу афсонавий шаҳар Шанхай ҳам-

корлик ташкилоти тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очишига шубҳа йўқ. Самарқанднинг шонли тарихий мероси бунга хизмат қилади. Кўп асрлар мобайнида бу шаҳар Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни мустахкам ришталар билан боғлаб, Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни ягона чорраҳада туташтирган.

Азал-азалдан Самарқанд турли ғоя ва билимлар “қайнаган” макон бўлиб, бу масканда инсониятнинг тинч ва фаровон яшаш, ўз куч ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бахтли ҳаёт кечириш каби муштарак мақсадлари мужассам бўлган. Бу табаррук заминда яшайдиган ҳар бир одам, яхши кўшни – бу Худо инсонга ато этган бахтнинг бир бўлаги эканини, тинч-тотув кўшничлик эса баракот манбаи эканини чуқур англаган. Зеро, ҳамкорлик, савдо, ижод, илм-фан ва санъат, инсоний ғоялар устувор бўлган жойда эзуликлар кўпаяди, халқлар фаровон ва ўзаро аҳил яшайди.

Бугун замонавий ва жадал ривожланаётган инфратузилмаларга эга бўлган Самарқанднинг бундай ноёб жиҳатлари уни минтақавий ва глобал хатарларни биргаликда муҳокама қилиш, бу борда зарур ечимларни излаб топиш учун энг қулай ва мақбул майдонга айлантормоқда.

Инсониятнинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги шу даражада юқорикки, мавжуд хатарларнинг аксарияти нафақат минтақалар, балки умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик қилишни такозо этмоқда.

Кўп йиллик биргаликдаги ишларимиз тажрибасига таяниб ишонч билан айталикки, ШХТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, кон-

структив ҳамкорлик принципига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади.

Самарқанд ташкилот сиёсат бобида устувор йўналишлари турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муромага келтиришга қодир айнан шундай платформага айлана олади.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустахкам пойдевор бўлиши мумкин.

Аслини олганда, “Самарқанд руҳи” бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишига туртки берган “Шанхай руҳи”ни уйғун равишда тўлдириб туради.

Шу сабабдан аминмизки, Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўламиз – Ташкилотнинг таркиби кенгайиб, унинг келажак кун тартиби шаклланади ва бунда чуқур рамзий маъно мужассам.

Ишончимиз комилки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак саммитида қабул қилинадиган қарорлар минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустахкамлашга салмоқли ҳисса кўшади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ЎРИНБОСАРINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 сентябрь куни ШХТнинг Самарқанд саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар ва тинчликни барпо этиш бўйича ўринбосари Розмари ДиКарлони қабул қилди.

Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, долзарб халқаро масалалар, мамлакатимизда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги ишлар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Розмари ДиКарло Президент Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. БМТ Бош коти-

би Антониу Гутерришнинг саломини етказиб, у 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг БМТ тузилмаларидаги иштироки фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси-

нинг минтақавий ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқликни илгари суришга қаратилган бешта резолюцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон 2020-2021 йилларда ФАОнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича 32-минтақавий конференциясида раислик қилгани, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиб киргани, ЮНЕСКОнинг кичик ёшли болалар тарбияси ва таълими бўйича жаҳон конференцияси ва Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЮНВТО) Бош ассамблеясини ўтказишни режалаштираётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар Орол денгизи халокатининг оқибатларини юм-



шатиш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва афғон халқига кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш, Марказий Осиёда барқарор тараққиётни

илгари суриш ва ўзаро боғлиқликни мустахкамлаш борасидаги ҳамкорликни мустахкамлашга келишиб олдилар.

ЎЗА.

ИМКОНИАТ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҚАНЧА ТАЛАБА ТАҲСИЛ ОЛМОҚДА?

– Бугунги кунда юртимизда 11 та давлат тиббиёт олий таълим муассасаси, 2 та хорижий тиббиёт университети филиаллари (Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети филиали, Қозон федерал университети филиали) фаолият юритмоқда, Шунингдек, 3 та хусусий (АКФА университети, Европа тиббиёт университети, Тошкент Ёджу техника институти) олий таълим муассасаси, Гулистон, Қариш давлат университетлари, Жиззах ва Навоий давлат педагогика институтлари ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетларида тиббиёт факультетлари ташкил этилган.



Уларда бакалаврият босқичи бўйича 13 та, магистратурада 45 та, клиник ординатурада 32 та ҳамда интернатурада 21 та мутахассислик асосида кадрлар тайёрланапти. Айни пайтда тиббиёт олий таълим муассасаларидаги умумий талабалар сони 53 минг 807 нафардан иборат бўлиб, жумладан, бакалаврият босқичида 48 минг 42 нафар, магистратурада 2 минг 743 нафар, клиник ординатурада эса 3 минг 22 нафар талаба таҳсил олмоқда. Шунингдек, бугун юртимизда ўрта тиббиёт ходимлари 27 та тиббиёт коллежлари ва 47 та Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида тайёрланапти. Хусусан, тиббиёт коллежларида 7 та йўналиш, Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида эса 6 та йўналиш бўйича жами 80 минг 975 нафар ўқувчи касб сирларини пухта ўзлаштираётир. Қайд этиш лозим, жорий йил тиббиёт олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқув жараёнларида бир қанча илғор янгилликлар татбиқ этилди. Жумладан, бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура ва клиник ординатура мутахассисликлари ўқув жараёнидаги амалий кўникмаларни симуляцион марказларда ўзлаштириш ҳамда битирувчи курсларнинг ўқув жараёнини

даволаш профилактика муассасаларида ўтказиш йўлга қўйилди. Қолаверса, ушбу ўқув йилидан бошлаб тиббиёт олий муассасаларида 36 та хорижий давлатдан келган 450 нафар малакали педагог талабаларга билим бермоқда. Бундан ташқари, шу йилдан бошлаб ўқиш муддати 1 йиллик бўлган бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курслари (интернатура) жорий этилиб, йилига 540 нафар тор доирадаги кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Тиббиёт коллежлари ва техникумлари ўқув режа ва дастурларда махсус фанларнинг амалий қисми улуши 50 фоиздан 75 фоизга оширилиб, тиббиётда хорижий тил, тиббиётда ахборот технологиялари каби фанлар киритилди. Айниқса, жорий ўқув йилидан ўрта махсус тиббиёт билим юртиларида битирув амалиёт ишлари вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ихтисослаштирилган марказлар ва уларнинг филиаллари ҳамда олий тиббий таълим муассасалари клиникаларида ўтказилиши бўлажак ҳамширалар билимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўқтам ИСМАИЛОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан
ва таълим бошқармаси бошлиғи.

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

КАФТНИНГ ҚИЗАРИШИ ВА ТИРНОҚДАГИ ОҚ ДОҒЛАР ЖИГАР ЦИРРОЗИ АЛОМАТИ БЎЛИШИ МУМКИН

Жигар циррози — 35-60 ёшли инсонлар ўлимига сабаб бўлувчи энг хавфли олти касалликдан бири. Тахлилларга кўра, ҳар йили дунёда 1 миллиондан зиёд киши ушбу хасталик оқибатида ҳаётдан кўз юмади.

Хозир жигар циррозига хос асосий аломатлар кўпчиликка яхши маълум. Аммо яширин ёки яққол намоён бўлмайдиган шундай симптомлар борки, улар орқали ҳам касаллик бошланганини тахмин қилиш мумкин. Рус гепатолог Елена Бутенко шу ҳақда тўхталар экан, тирноқларда оқ доғлар ва чизиклар пайдо бўлса, шифокорга мурожаат қилиш лозимлигини таъкидлай-

ди. Қолаверса, кафт ва оёқ остидаги ёрқин кизаришлар ҳам жигар циррози аломати бўлиши эхтимол мавжуд. Бу жигар хужайралари етишмовчилиги асоратидир. Мутахассис бу ўринда “барабан чўплари” деган ўхшатишни ҳам келтириб ўтади. Унинг қайд этишича, оғир жигар хасталигида бармоқлар шу шаклга кириб, пастдан юқорига қараб йўғонлашиши кузатилади.



Шифокорнинг кўшимча қилишича, бундай ҳолатда беморнинг юз қисмида капилляр томирлари майда тўр сингари кўриниш ҳосил қилиши ҳам мумкин.

@ssvuz

ФАН УҒҚЛАРИ

НЕОНАТАЛ ВА ФЕТАЛ ТИББИЁТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ НОЁБ МУАССАСА

Хозир дунёда неонатал тиббиёт соғлиқни сақлаш тизимининг энг мураккаб йўналишларидан бири. Республика перинатал маркази бу соҳанинг таянч муассасаларидан.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти агар бола ҳомиладорликнинг 22-ҳафтасида туғилиб, унда нафас, юрак уриши, киндик пулсацияси ёки мушаклар ҳаракатидан бири кузатилса, оғирлиги 500 грамм, бўй узунлиги 25 сантиметр бўлса, тирик туғилган деб аташни тавсия қилиб келади Муассасамизда бундай болаларга ҳам чуқурлаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятига эгамиз. Бундан ташқари, туғма нуқсон билан дунёга келган гўдакларда неонатал хирургик амалиётлар ўтказиш борасида Республика перинатал маркази ноёб тажрибага эга. Албатта, тиббиёт бир жойда тўхтаб қоладиган соҳа эмас. Марказ мутахассислари дунё тажрибасидан ортда қолмаслик учун изланишда. Муассасада эрта туғилган чақалоқлар реабилитацияси, туғма нуқсонли болаларда ўтказиладиган неонатал амалиётлар билан бир қаторда айрим касалликларни чақалоқнинг ҳомилалик даврида, яъни она қорнидаёқ бартараф этишга имкон берувчи фетал тиббиёт тажрибасидан ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

Илк маротаба Республика перинатал марказида фетал жароҳлик усуллари орқали ҳомилага қон қуйиш муолажалари муваффақиятли бажарилди, Хозирги кунда фетал хирургия йўналишида янги турдаги операциялар амалиётга татбиқ қилинмоқда ва болалар ҳаёти сақлаб қолинапти. 2019 йилдан бери аёлларда ҳомиладорлик вақтида резус манфий қонли резус-иммунизация, ўткир кўп сувлилик кузатиладиган ҳомиладор аёлларда кордоцентез, амниоцентез, амниоредукция ва кўрсатмага асосан, лозим бўлганда, она қорнида ҳомилага қон қуйиш амалиётлари бажарилмоқда.

Муддатдан олдинги туғуруқларда нейрпротекция операцияларини ўтказиш орқали кичик вазнли чақалоқларда болалар церебрал фалажи 50 фоизга камайишига эришилди.

Эрта туғиш хавфи бўлган аёлларда бачадон бўйнида акушерлик пессарийлар ишлатиш эрта туғуруқлар сонининг 60 фоизга камайишига олиб келди.

Бачадон магистрал томирларини боғлаш, бачадоннинг Жуковский баллони ёрдамида тампонадаси каби янги усуллар орқали туғуруқ жараёнларида массив қон кетиш ҳолатлари 3 баравар камайтирилди.

Марказнинг консульта-тив-диагностика поликлиникасида бачадон бўйни саратони скрининги ўтказилиб, бу касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олишга хизмат қилмоқда.

РПМда юрак нуқсонлари мавжуд ҳомиладорларда янги турдаги оғриксизлантириш усуллари қўлланган ҳолда туғуруқ давомидаги асоратларнинг 100 фоиз олди олинди.

Кам инвазив гинекологик операцияларда ингалицион оғриксизлантиришнинг қўлланилиши беморларнинг стационарда даволаниш муддатини 2 баравар камайтирди.

Айни пайтда марказда ҳар йили турли аъзоларида туғма нуқсонли бўлган чақалоқлар ва эмизикли болаларда 550-600 тадан ортик мураккаб юқори технологик операциялар ўтказилмоқда. Бу ерда том маънода ҳар куни норасида чақалоқлар ҳаётини сақлаб қолиш учун кураш кетади.

Улар қаторида нафақат юртимиз, балки қўшни давлатлардан ҳам беморлар мурожаат қилаётгани Республика перинатал марказининг тиббий салоҳиятидан дарак беради.

Нилуфар ЎРИНБОЕВА,
Республика перинатал
маркази директори.

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ – ХОТИРА МУҚАДДАС

ТИББИЁТГА БАХШИДА ЭТИЛГАН УМР



Хаёт инсонларга бебаҳо неъмат ато этган. У ҳам бўлса имкондир. Ҳа, ушбу иборанинг мазмун моҳиятини чуқур англаб етган инсонгина хаётда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

Шундай экан, улуғ ва буюк инсонлар орасидан бу каби имкониятни қўлдан бой бермай, оламни маърифат ва меҳр билан забт этган, заминга, башарият аҳлига тенг зиё сочган, устозлардан бири тиббиёт илмининг дарғаси Орхан Сераджидович Махмудов хаёт бўлганларида 95 ёшни қарши олар эдилар. Устозимиз орамизда бўлмасаларда уларнинг ўзига хос яратиб кетган мактаблари биз учун дастуриламал бўлмоқда.

Атоқли олим, ажойиб педагог, болалар юқумли касалликлари бўйича етакчи мутахассис, болалар гепатологлар мактабининг асосчиси, ташкилотчи, шифокор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, “Беруний” номли Давлат мукофоти, I-даражали “Соғлом авлод учун”, “Буюк хизматлари учун” орденлари ва “Шухрат” медаллари совриндори, Россия Федерацияси табиий фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, Қозғистон профилактик Академиясининг академиги, Туркийзабон давлатларининг педиатрлар жамияти Ижроия қўмитасининг аъзоси, камгарин ва юксак маданиятли ҳамда меҳрибон инсон Орхан Махмудов 1927 йил 16 сентябрда Тошкент шаҳрида зиёли оилада таваллуд топди. 1941 йилда иккинчи жаҳон уруши бошланиши муносабати билан ўқишини кечки мактабда давом эттириб, кундузи эса “Ростсельмаш” (ҳарбий) заводда меҳнат қилди. Олтинчи разрядли фрезеровщик даражасигача кўтарилди. Кечки мактабни аъло баҳолард тугатиб, Тошкент тиббиёт академияси (собиқ Тошкент тиббиёт институти)нинг даволаш факультети-га кириб таҳсил олди. 1948 йилда Тошкент тиббиёт институти-ни тугатгандан сўнг, йўлланма билан шифокорлик фаолиятини Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги шифохонада бош шифокор вазифасидан бошлади. Ёш мутахассис ишга киришиши биланок, у даставвал аҳоли орасида тарқалган касалликлар турларини, уларни салмоғини синчиклаб таҳлил қилиб чиқди, кишлоқдаги оилаларни яшаш шароити ва турмуш тарзини ўрганди. Бу маълумотлар мутахассис ишлаётган туман аҳо-

лиси ўртасида ўзига хос даволаш ва профилактика ишларини йўлга қўйиш имкониятини берди ҳамда тез орада аҳоли, айниқса, болалар ўртасида кўпгина юқумли касалликлар ва улардан кичик ёшдаги болаларнинг нобуд бўлиш ҳоллари камайди. Бу ерда у хаётни тўғри идрок этиш, одамлар билан муомалага киришиш, уларнинг дардларига шерик бўлиб яшади. Қашқадарёда ишлаш устозимиз учун ҳақиқий маънода катта хаёт мактаби бўлди.

Орхан Махмудов 1951 йилда Тошкентга қайтиб келгандан сўнг у Қуроли кучлар сафида Ригадаги ҳарбий-денгиз госпиталида 1956 йилгача бўлим бошлиғи вазифасида хизмат қилди. Қуроли кучлар сафидан қайтгандан сўнг 1956 йилда Тошкент тиббиёт институти-нинг болалар инфекцияси кафедрасининг клиник ординатурасига ўқишга кирди. У ўз амалий фаолиятининг дастлабки кунлариданок ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларида болаларда жуда оғир кечадиган, ҳатто ўлимга олиб келиш хавфини тўғдирадиган ич терлама ва паратиф каби юқумли касалликларнинг асл табиатини ўрганиши натижасида, бемор болаларда юз берадиган оғир ўзгаришлар асосида сув-туз алмашинувининг издан чиқиши ётади деган хулосага келди. Ушбу муҳим хулоса асосида касалликнинг кечиш даражаси, болаларнинг ёши, организмнинг хусусиятларига қараб беморларни патогенетик даволаш усуллари-ни ишлаб чиқди ва амалиётга регидратация терапиясини рационал схемасини тадбиқ этди. Тинмай изланишлар, тўпланган катта ҳажмдаги илмий маълумотлар унинг 1960 йилда ҳамоя қилган номзодлик диссертациясига асос бўлди. Илмий салоҳиятли устозимиз Орхан Махмудов изланишларни давом эттириб, касалликларнинг янги қирралари очилиши натижасида, 1966 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳамоя қилди. Шу йилдан бошлаб, Орхан Махмудовнинг кенг илмий-педогогик фаолияти бошланди. 1966 йилдан факультет декани, кейинчалик ўқув ва илмий ишлар бўйича проректорлик вазифаларини, шунингдек,

болалар юқумли касалликлари кафедраси мудири лавозимини биргалликда олиб борди.

1972 йилдан Орхан Махмудов раҳбарият қарори билан янги ташкил этилган Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида (собиқ Ўрта Осиё Педиатрия тиббиёт институти) илмий ишлар бўйича проректор лавозими-га тайинланди ва унинг баробарида болалар инфекцияси кафедра мудири вазифасини ҳам бажарди. Бу лавозимда у институтда қобилиятли ёшлардан илмий-педогогик кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берди.

Қисқа муддатда институтнинг кафедра ва лабораторияларида иқтидорли шифокорлардан фан номзодлари ҳамда фан докторлари етишиб чиқди. 1976 йилда Орхан Махмудов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Педиатрия илмий – текшириш институтига (ҳозирда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази) директор этиб тайинланди. Орхан Махмудов Педиатрия илмий – текшириш институтига директор этиб тайинланган кундан бошлаб, клиникада бемор болаларни парваришlash учун бирга ётган оналарни соғломлаштиришнинг янги кўриниши – терапевтик бўлим ташкил қилинди ва Республика бўйича бошқа болалар шифохоналарида ҳам амалиётга тадбиқ этилди. Шунингдек, ёш илмий ходимларни иш жараёнида сақлаб қолиш ва кўплаб ёш мутахассисларни илмий ишларга жалб қилиш мақсадида ҳукуматимизни ёрдами ва Орхан Махмудовни қатъиятлиги билан институт III тоифадан I тоифали институтлар қаторига ўтказилди. Болалар гепатологияси масалалари бўйича илмий текшириш ишларини олиб бориш ва уларни мувофиқлаштириш, гепатобилиар тизими сурункали касалликлари билан оғриган болаларга ихтисослаштирилган даволаш профилактика ва маслаҳатlashув ёрдами-ни уюштириш, Фан ютуқларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш мақсадида устознинг саъйи ҳаракати

билан 1978 йилда институт қошида Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган болалар илмий-амалий гепатология маркази ташкил этилди. Орхан Махмудов раҳбарлигида Педиатрия илмий текшириш институти Республикада болаларга тиббий хизмат кўрсатишнинг энг юқори илмий-амалий ҳамда ташкилий-услубий марказга айланди. Орхан Махмудов 1983 йилдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, 1984 йилдан эса Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори лавозимларида фаолият олиб борди.

Ушбу лавозимда ишлаш мобайнида унинг раҳбарлигида тиббиёт институтида ходимлар таркибинини ва сифатини янада яхшилаш, ўқув ишлари ва тарбия жараёнини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бо-

расида катта тадбирлар амалга оширилди. Ўзбек тилида инфекция патологиялар бўйича дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар яратишга, талабаларни эса илмий-тадқиқот ишлари билан фаоллаштиришга эришди. Орхан Махмудов 1990 йилда яна Педиатрия илмий-текшириш институтига директор этиб тайинланди. Унинг ташаббуси ва бевосита иштирокида республиканинг турли вилоятларида болалар касалланиши ва ўлими ҳолати, унинг таркиби ва келиб чиқиш сабабларини ўрганиш бўйича кенг кўламли текширувлар, семинаралар, маърузалар ўтказилган, уларни камай-тириш бўйича илмий асосланган тадбирлар ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ этилди. Ушбу ишларнинг натижасида Республикада болаларнинг ўлими кўрсаткичларининг динамик равишда, йилдан-йилга пасайиб бориши кузатилди. Устозимиз 1997 йилдан то умрининг сўнгги кунларигача марказнинг ичак инфекцияси (кейинчалик “токсико-септик бўлими” деб аталган) бўлими раҳбари вазифасида фаолият кўрсатди. Орхан Махмудовнинг бевосита раҳбарлигида 16 та докторлик ва 60 та номзодлик диссер-

тацияси муваффақиятли ёқланган. Унинг томонидан ўзбек ва рус тилларда ёзилган 20 дан зиёд монография, 300 дан зиёд илмий мақолалар, услубий қўлланмалар нашр қилинди ва 5 та ихтиромалиқидир. Шунингдек, устоз томонидан ёзилган монографиялар тиббиёт олий ўқув юртлари ва врачлар малакасини ошириш институтларида ўқув адабиётлари қаторидан мустаҳкам ўрин олган.

Орхан Махмудовнинг тиббиёт соҳасида дунё тан олган илмий-педогогик мактабида таълим кўрган шогирдларининг кўпчилиги ҳозирги кунда нафақат республикамиз ҳудудларида, балки қўшни мустақил давлатларда ва хорижий мамлакатларидаги тиббиётнинг турли соҳаларида муваффақиятли меҳнат қилиб келмоқдалар. Тиббиёт илмининг буюк дарғаси кўп йиллар давомида Республика педиатрлар илмий уюшмасининг раиси вазифасида хизмат қилди, шу билан бирга вазирликда Илмий Кенгаш аъзоси, “Ўзбекистон тиббиёт журнали” ва “Инфекция, иммунитет и Фармакология” ҳамда “Педиатрия” ҳамда Россиянинг “Педиатрия”, Туркиянинг “Гастроэнтерология” ва “Педиатрия и детская хирургия Казахстана” журналларининг хайъати аъзоси бўлган. Орхан Махмудов бир неча маротаба туман, шаҳар кенгашларига депутат этиб сайланган. Шаҳар кенгашида соғлиқни сақлаш доимий комиссиясининг раис ўринбосари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг раиси вазифасида фаолият юритган. Эътирофлиси шундаки, Орхан Махмудовнинг анъаналарни давом эттирган ҳолда, шифокорлик фаолиятини унинг фарзандлари ва набиралари давом эттирмоқда.

Орхан Махмудов шунчаки устоз, ёки шунчаки олим эмас эдилар. Билим берсалар юраги билан, устозлик қилсалар меҳр билан, олим сифатида синчковлиги билан барча-барчасини кўшиб берардилар. Уларнинг оддий муомаласида ҳам самимийликни англаш қийин эмас эди. Қалби дарё, кенгфёъл, одамийликни жойига қўйган, инсон қадр – қиммати, ёшу – қарига, талабаю шогирдга муносабати, оиладаги ўрни ва ҳурмати, ўқиб-изланишдан чарчамаган, меҳрини яқинларидан орттириб шогирдларига улашган бу юксак фазилатли инсон мангуликка дахлдордир.

Орхан Сераджидович Махмудовнинг босиб ўтган хаёт йўллари ва тиббиёт соҳасидаги меҳнат фаолиятлари шогирдлар учун намуна бўлиб қолади ва уларнинг ёрқин хотираларини биз доимо юксак ҳурмат билан эслаб юрамиз.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси.

КЎЗ НОЁБ АЪЗО

КЎЗ ЖАРРОҲЛАРИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК ОПЕРАЦИЯЛАР ЎТКАЗМОҚДА

Кўз ноёб аъзо. Усиз ҳаёт гўзалликларидан бахраманд бўла олмаймиз. Аммо ўқиб-ўрганишимиз, билим олишимиз, касб-хунар ўрганишимиз ҳатто яхши-ёмонни ажратишимиз учун ҳам унинг кўмаги зарур.



Кўз тизимдаги оддийгина муаммо сабаб, кўрғун жаҳонни, яқинларимизни кўра олмай қолишимиз мумкин. Бунга, чор агрофимизни қамраб турган ранглар ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Натижада кўзимизда қутилмаган ўзгаришлар юз бера бошлайди. Олдинига унчалар ҳам аҳамият қаратмаймиз. Муаммо, қачонки чуқурлашсагина офтальмологларга мурожаат қиламиз. Айни вақтда Сирдарёда истиқомат қиладиган аҳолининг каттагина қисмининг кўз соҳаси билан боғлиқ муаммоси бор. Катарақта, глаукома, ғилайлик ва бошқа касалликлар сўнги пайтларда кўпайган. Унинг олдини олиш ва даволаш мақсадида Сирдарёда Республика ихтисослаштирилган Кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг Сирдарё филиали офтальмологлари томонидан кўз билан боғлиқ юқори технологияли жарроҳлик амалиётларини ўтказиш ишлари йўлга қўйилди. Жорий йилда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузилган икки томонлама шартномага биноан 400 га яқин фуқарода ана шу аъзо билан боғлиқ, юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. 12 мингдан ортиқ беморга тиббий маслаҳатлар берилди.

– Ҳозирги замон тиббиёти, офтальмология ютуқлари кўз хасталикларини даволашда мўъжиза яратмоқда, – дейди Сирдарё вилоят

кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори, олий тоифали офтальмолог Расул Каримов. – Яъни, турли жарроҳлик амалиётлари ўрнига ультратовушда, кесмасдан, чоксиз даволаш усуллари амалга ошириляпти. Авваллари катаракта касаллигида кўз буткул кўрмай қолгандагина операция қилинарди. Аслида ўз вақтида ўтказилмаган амалиёт беморда турли асоратларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда эса микрожарроҳлик техникалари такомиллашиши натижасида мазкур амалиётни кўз хиралашишининг дастлабки босқичида қўллаш, қўллаб ноҳушликларнинг олдини



олиш имконини бермоқда. Шундай экан, бемор ўзида кўз касалликларининг бирор бир аломатини сезиши билан шифокорга мурожаат этиши, махсус текширувлардан ўтиб, исталган вақтда даволаниши мумкин. Бунинг учун шифохонамизда етарлича шароит ва имкониятлар бор.

Айни вақтда Сирдарё вилоят кўз касалликлари шифохонасида, шифохонанинг тажрибали офтальмологлари томонидан катаракта, глаукома, кўз ёш йўллари, ғилайлик, бошқа жароҳатлар, айрим косметик операциялар муваффақиятли ўтказилмоқда.

ДОРИ-ДАРМОНЛАР БЕПУЛ ТАРҚАТИЛЯПТИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш доирасида эндокринология хизматини янада ривожлантириш, эпидемиологик вазиятни баҳолаш ҳамда ёд танқислиги ҳолати юзага келишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Президентимизнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилашга доир қарорига биноан жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳамда 3 - 18 ёшдаги болаларни ёд препарати билан доимий равишда бепул таъминлаш белгиланди.

– Ёд етишмовчилиги оқибатида ҳомиладорларда ҳомила тушиши, камқонлик ва туғилажак болада ақлий ривожланишнинг пасайиши каби асоратлар кузатилади, – дейди Тошкент вилояти Соғлиқни

сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Феруза Раҳматуллаева. – Соғлом инсоннинг тўғри ривожланиши учун суткасига 100-150 мкг. ёд зарур бўлади. Ҳомиладорлик даврида ёдга эҳтиёж 200 мкг.гача ортади. Тошкент вилоятида аҳолининг касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган гуруҳларини ўрганиш ва дори-дармонлар билан таъминлаш ишлари Янгийўл шахридан бошланди. Бу борада ҳамширалар иштирокида семинарлар, аҳоли ўртасида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

ЎЗА.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА

Шундай инсонлар борки, уларнинг инсонийлик, қолаверса, эзгуликка хос фазилатлари бутун ҳаётингни ўзгартириб юборади, дунёга қайта келгандек бўласан ва яшагин келади.

Айниқса, ўз касбини севиб, садоқат билан ишлаган самимий инсонлар меҳнатидан мамнун бўлиб, миннатдорлик изҳор этгин келаверади... Ҳа, улар шифокорлардир. Нажот излаб борган беморлар тузалиб, дардига шифо топишади. Юзларидан самимийлик уфуриб турган, қалби пок, меҳрибон ва камтарин нигоҳларда сеҳр бордек туюлаверади менга...

Яқинда фарзандим Шерзоднинг соғлигини яхшилаш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалига келдим. Мазкур шифо масканида беморлар учун барча шароитлар яратилганини гувоҳи бўлдим. Вилоят аҳолисига 198 нафар шифокор 2 нафар провизор, 965 нафар ўрта тиббиёт ходимлари, 7 нафар фармацевт, 330 нафар кичик тиббиёт ходимлари тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Муассасада ЭКГ, УТТ аппарати, компьютер томограф, МРТ, ЭФГДФС, наркоз аппаратлари, гемодиализ, шунингдек, автоклав, қуруқ ҳаво билан жиҳозларни стерилизация қилиш ускунаси, электро центрифуга ва лаборатория аппаратлар, дизель генераторлари мавжуд.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Одамларни рози қилмаган инсон кадрини тушунмаган раҳбарларга орамизда ўрин йўқ” деган сўзларидан хулоса қилиб, бу шифохонада одамларни рози қилган, инсонлар кадрини тушунган раҳбар ва шифокорлар борлигининг гувоҳи бўлдим. Марказ директори Равшан Тўлаков бу ерда соғлом иш муҳитини аъло даражада ташкиллаштирган. Тўғриси, ши-

фохонадаги тотувлик, самимийлик ҳар бир беморга бор меҳрини бериб, элимизнинг соғлиги йўлида хизмат қиладиган шифокорларни кўриб тасаннолар айтдим. Шифокорлар беморларнинг оила аъзоларига касаллик тарихи унинг тузалиб кетиши учун қандай ёндашиш керак, у билан қандай муомалада бўлиш керак, бемор тузалиши давомида қандай мураккаб жараёнларни бошидан кечиради барини сўзлаб беришади. Бу эса ижобий натижа беради. Таъкидлашим лозимки, шифокорлар учун ишхона уларнинг иккинчи уйи бўлиб, улар фақатгина даромад топиш учун эмас, халққа меҳр улашиш учун ишлашар экан. Мен бу сўзларнинг айтилганми? Нима учун шифокорлар ҳақида сўз юритдим? Боиси бугунги кунда улар ҳақида турли фикрлар билдирилади, салбий ҳамда ижобий. Ҳаётни ижобий томондан кўрадиганларга ҳамиша яхши одамлар учрайди. Саломатлигимиз учун қайғурдиган дардимизга дармон бўладиган, оқ юракли бу касб эгаларига хизматлари учун ҳар қанча ташаккур айтсак арзийди. Биз янги Ўзбекистонда яшаймиз янги Ўзбекистонимизда бундай шифокор ва раҳбарлар янада кўпайсин. Таъкидламоқчиманки, фарзандим Шерзоджонни ҳаётини сақлаб қолган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали директори Равшан Тўлаков ва унинг аҳил жамоасига ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман. Ўзларига муштақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва масъулиятли ишларига ривожлар тилаб қоламан.

Турдикул МАМАНОВ,
ЎзХДП аъзоси Халқ депутатлари Дехқонobod туман кенгаши депутати.

ФАН УҒҚЛАРИ САРИ

Илгари фақат хорижда амалга оширилган мураккаб операциялар бугун вилоят марказлари ва ҳатто туманларда ҳам муваффақиятли бажариляпти. Бу эса дунёнинг нуфузли клиникаларида тажриба орттирган қўллаб ўзбек мутахассисларининг она-Ватанга қайтишига тўртки бўлмоқда.

Сирдарёлик эндоваскуляр жарроҳ Хуршид Ҳақимов — шулардан бири. У 2017 йили Тошкент тиббиёт академиясини тамомлагач, Россиядаги А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги марказида клиник ординатура ва аспирантура босқичларида таҳсил олган.

Шундан сўнг Москва вилоятидаги нуфузли тиббиёт марказида иш бошлаб, бир йил давомида мустақил равишда 200 дан ортиқ жарроҳлик ва 500 дан зиёд юқори технологияли диагностика амалиётларни муваффақиятли бажарган.

Утган йили Х.Ҳақимов Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё филиалида иш бошлади. Натижада қисқа даврда бу ерда 400 дан зиёд мураккаб операцияларга бошчилик қилди.

@ssvuz

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

ИҚТИСОДИЙ СУДДА КЕЛИШУВ
БИТИМИ ТУЗИШНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ

Инсон ва жамият ҳаётида ярашув, муроса, келишув деган тушунчалар ҳар доим ижобий маъно касб этган. Чунки, бу тушунчалар яхшиликка, тинчлик ва барқарорликка хизмат қилган.



Асосий вазифаларидан бири бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларни ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш бўлган суд ҳокимиятининг фаолиятида ҳаминизони келишиш йўли билан ҳал этиш алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, у процессуал нормаларда ўзининг аксини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 130-моддасига кўра, суд тарафларнинг келишуви учун чоралар кўради, уларга иқтисодий суд ишларини юриштириш барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашади. Демак, келишув битимининг шакли ва мазмуни, уни тузиш тартибига қўйилган талабларга риоя этилган ҳолда тузилган келишув битимини тасдиқлаш суднинг ҳуқуқи эмас, балки мажбурияти эканлиги эътиборни тортади. Келишув битими деганда, ўзаро келишишга асосланган, даъво талаби (талаблари)га нисбатан аниқликка эришишга қаратилган, низони ҳал қилиш тўғрисидаги тарафларнинг ёзма келишуви тушунилади. Ушбу кодекснинг 131-моддасида тарафлар низони келишув битимини тузиб ҳал этиши мумкинлиги, келишув битими даъво тартибидидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкинлиги, келишув битими иқтисодий суд ишларини юриштириш ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида тарафлар томонидан тузилиши мумкинлиги белгиланган. Суд ишлари судда кўришга тайёрлаш пайтида тарафларни муросага келтириш чораларини кўриши, шу муносабат билан даъво аризасини қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда суднинг тарафларга низони келишиш йўли билан ҳал этиш ҳақидаги таклифи кўрсатилиши лозим. Тарафлар суд муҳокама си давомида келишув битими тузиш истагини билдирганда, суд тарафларга ушбу суд мажлисида келишув битими тузишни таклиф этиши ёки тарафлар келишув битими шартларини ишлаб чиқишлари учун уларга имконият берган ҳолда, ишни кўришни бошқа муддатга қолдириши мумкин. Келишув битими ёзма шаклда расмийлаштирилади ва тарафлар ёки келишув битимини тузиш ваколати махсус назарда тутилган ишончнома мавжуд бўлганда, уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Келишув битимида тарафлар томонидан келишилган мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари ҳақидаги қоидалар кўрсатилиши керак, келишув битимида жавобгар томонидан мажбуриятларни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги, қарздан тўлиқ олиш қисман воз кечиш ёхуд қарзни тан олиш тўғрисидаги, суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шартлар ва қонунга зид бўлмаган бошқа шартлар кўрсатилиши мумкин. Унинг шартлари аниқ, равшан баён

қилиниши ва ижро этилишида келишув битимининг мазмуни бўйича ҳар хил талқин қилинишига ва келгусида низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймайдиган бўлиши керак. Келишув битими тарафларнинг бир-бири олдидаги ўзаро мажбуриятларнинг шартлари, миқдори ва бажариш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Суд келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилаётганида тарафлар тақдим этган келишув битими қонун ҳужжатларига хилоф эмаслигини ва у бошқа бирор-бир шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини, агар келишув битими кўчар ёки кўчмас мулкни бериш тўғрисидаги шартни ўз ичига олса, суд ушбу мулкка учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бор-йўқлигини (хатлаб қўйилганлигини, гаровга қўйилганлигини ва х.к.) текшириши лозим. Агарда бундай ҳолатлар мавжудлиги аниқланса, суд келишув битимини тасдиқлашни рад этади ва ишни мазмунан кўриб чиқади. Шу сабабли, келишув битимини тузишда юқорида қайд этилган хусусиятларни инобатга олиш лозим.

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди томонидан кўрилган ишлар бўйича 2020 йилда 3 та, 2021 йилда 4 та иқтисодий ишлар юзасидан келишув битимлари тузилган ва улар суд томонидан тасдиқланган. Мисол учун, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси “Ўзагролизинг” АЖ манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Данғара тумани “Асл зар зийнати” фермер хўжалиги билан тузилган лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилиб, техникани қайтаришни сўраган. Суд мажлисида аниқланишича, тарафлар ўртасида 2019 йил 28 август куни 19/12-4-719 УФ-сонли лизинг шартномаси тузилган. Унга кўра, жавобгарга “Арион-630с” русумли 1 дона трактор лизингга берилган.

Лизинг шартномасининг нархи кўшимча қиймат солиғи билан бирга 850.000.000 сўмини ташкил этган бўлиб, жавобгар тўлов жадвали асосида лизинг тўловларини амалга ошириб бориши лозим бўлсада, бу мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги оқибатида 2021 йил 16 август ҳолатига 236.674.727 сўм қарздорлик юзага келган. Шу сабабли даъвогар судга мурожаат қилиб, лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни ва тракторни қайтаришни сўраган. Ишни суд мажлисида кўриш жараёнида қисман тўлов амалга оширилиб, қолдиқ қарзни тўлаш бўйича тарафлар ўртасида келишув битими тузилган. Келишув битимида даъвогар муддати ўтган 174.484.727 сўм лизинг қарздорлигини 2 ойлик муддатда бўлиб-бўлиб тўлашига розилик берган, жавобгар уни 100.000.000 сўмини 01.11.2021 йилга қадар, қолган 74.484.727 сўмини 01.12.2021 йилга қадар тўлаб беришига келишилган. Суднинг ажрими билан ушбу келишув битими тасдиқланган ва даъво бўйича иш юришти тугатилган. Келишув битими тарафлар томонидан ихтиёрий равишда ижро этилиши лозим. Келишув битимининг унда белгиланган тартиб ва муддатларда ижро этилмаслиги суд томонидан манфаатдор тарафнинг аризаси бўйича ижро варақаси бериш учун асос бўлади.

Бир сўз билан айтганда, келишув битими низодаги тарафларга мавжуд низони ҳал этишда, қарзни тўлашда, мулкни топширишда ёки бошқа турдаги мажбуриятни бажаришда уларга имконият яратлади.

М. МИРМАҚСУДОВ,
Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суднинг раиси.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

ТИББИЁТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР –
ХАЛҚИМИЗНИНГ РОЗИЛИГИ УЧУН

Тарихда ҳар бир халқнинг тиббиёти, яъни китобларда битилган саломатлик қонунлари мавжуд бўлиб, унда ахлоқ – одоб, муомала, меҳнат, дам олиш, овқатланиш маданияти ва бошқалар мужассамлашган. Бу қонунлар асрлар давомида қузатувлар ва тарихий тажрибалар натижасида шаклланиб, ҳар томонлама соғлом, жисмоний жиҳатдан кучли бўлган ёшларни камол топтиришида муҳим аҳамият касб этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилояти Олмалик шаҳри ва Бекобод туманига ташрифи, Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаевнинг 2022 йил 27 январдаги тиббиёт ходимлари билан ўтказган очик мулоқоти давомида бир қанча вазифаларни белгилаб берди. Юртбошимиз айниқса, вилоят соғлиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш ва уни янги типдаги тизимга айлантириш хусусида алоҳида тўхталиб ўтар экан, уларнинг ечими тизимда янги моделни яратиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Тошкент вилояти республиканинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида жуда муҳим ва стратегик ўрин тутади. Кўпгина соҳалар бўйича энг илғор ва салмоқли улушга эга ҳудудлардан бири саналади. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида бир неча йилдан буён ечимини топмаётган асосий муаммоларимиз: 1. Тошкент вилоятида 12 та ихтисослаштирилган марказлар тарқоқ ҳолда жойлашганлиги. Бундай географик жойлашш натижасида Чирчиқ шаҳрида даволаниш учун бир бемор Бекобод шаҳридан 150 километр ёки Чиноз туманининг олис ҳудудидан Чирчиқ шаҳригача 110 километр, Тошкент туманидан Ангрен шаҳригача 120 километр масофани босиб ўтишга мажбур бўлади. 2. Вилоятнинг нуфузли 6 та даволаш-профилактика муассасаси Тошкент шаҳри ҳудудиданоқ жойлашган. 4. Тошкент вилояти аҳолисида малакали, сифатли ва юқори технология тиббий хизматлар асосан Республика илмий-амалий тиббиёт марказларида ташкил этилади. Вилоятдаги мавжуд шифохона ва улардаги тиббий жиҳозлар билан юқори технологик операцияларни ўтказишни тўлиқ имконияти йўқ. 5. Вилоятда аҳоли миграциясининг ўсиши ҳамда вилоят шаҳарлари инфратузилмаларининг ошиши, ҳудудларда қўшимча маъмурий ва саноат бинолари ҳамда аҳоли яшати учун кўп қаватли бинолар қурилаётганлиги сабабли, тиббий хизматга бўлган эҳтиёж янада ошиб бормоқда.

Президентимиз кўрсатиб берган стратегик йўналишлар орқали ҳамда Тошкент вилояти ҳокими З. Мирзаевнинг 2022 йил 27 январдаги тиббиёт ходимлари билан ўтказган очик мулоқотида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ечимлари туфайли ушбу муаммолар бугунги кунга келиб ўз ечимини топмоқда. Кўп тармоқли кластер типидagi вилоят тиббиёт марказини ташкил этиш орқали тарқоқ жойлашган вилоят муассасаларини марказлаштириш, замонавий ҳамда талаб кўп бўлаётган йўналишларни туманлараро даражага тушириб, хизматларни аҳолига яқинлаштириш мақсадида кичик тиббиёт кластерлари фаолиятини ташкил этиш асосий ечим ҳисобланади.

Президентимиз томонидан 2022 йилнинг 18 март куни Соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан ўтказилган Очик мулоқатдан сўнг соҳада амалга оширилиши керак бўлган бир қанча топшириқлар берилди. Очигини айтганда, сўнгги тўрт-беш йил ичида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида аҳолининг барча қатламига, айниқса, узок кишлоқ аҳолисига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилётган ислохотлар бугун давлат сиёсатининг бош мақсадида айланган. Соҳанинг барча йўналишларини комплекс ривожлантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар қамраб олинган. Тиббий пункт барча керакли, замон талабига жавоб берадиган тиббий ускуналар, дори-дармон ва биринчи ёрдам учун зарур шарт-шароитлар билан жиҳозланган. Ушбу тиббиёт пунктидаги фаолиятлар халқимиз саломатлигини тиклашда муҳим рол ўйнайди. Олдинлари битта муолажа олиш учун ҳам одамлар туман марказига ёки энг яқин бўлган поликлиникага боришлари учун 10-15 км пйёда юришлари керак эди, мана энди “маҳалла тиббий пунктлари” халқнинг истагига кўра “ошигининг тагига” бир қадам қилиб жойлашган. Аҳолини барча қатламлари айниқса, нуронийлар, ёш болалар, ҳомиладорлар ва ногиронлиги бўлган инсонлар учун янада қулайлиқлар мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари томонида қўллаб-қувватланган ташаббус, яъни аҳолига тиббий хизматни янада яқинлаштириш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан олиб борилётган ишлари, Тошкент вилояти мисолида қўриб чиқамиз. Олис ва чекка ҳудудлардаги маҳалларда бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш ва аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида Тошкент вилоятида “Маҳалла тиббий пунктлари” ташкил этилмоқда. Ушбу тиббий пунктлар 16 та шаҳар ва туманларнинг олис ва чекка ҳудудларида 70 та маҳалла кесимида ўрнатилиб тиббий хизмат учун аҳоли хизматида топшириш режага киритилган бўлиб шулардан

58 та тиббиёт пунктлари аҳоли хизмати учун куриб битказилиб фойдаланишга топширилди. Тиббий пунктда малакали мутахассислар томонидан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, скрининг ҳамда муолажалар ўтказиш учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Пункт барча тиббий бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари каби соат 8.00 дан 20.00 га қадар фаолият юритади. “Маҳалла тиббий пункти”га тиббий ёрдам сўраб чиққан ҳар бир аҳоли бундан миннатдор ва олиб борилётган ислохотлардан рози бўлмоқда. Хусусий клиникаларда “Саховат ва Мурувват” фонди орқали “ERA MED” МЧЖ тиббиёт марказига Тошкент вилояти шаҳар ва туманларда жами 19 нафар ногирон болаларда юрак туғма нуқсонини бўйича жарроҳлик амалиёти учун 550 млн сўм пул маблағлари тўлаб берилди. Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалардаги жарроҳлик амалиётига муҳтож бўлган ногирон болаларда турли жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши орқали уларни соғлом ҳаётга қайтариш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда. Жарроҳлик амалиётлари “Республика болалар Миллий маркази”да, “Акфамедлайн” клиникасида, “Ихлос” ва “ERA MED” МЧЖ тиббиёт марказида ўтказилиши назарда тутилган. Шаҳар, туманларда жами 19 нафар ногирон болаларда юрак туғма нуқсонини бўйича жарроҳлик амалиёти мобайнида, улардан 14 тасида жарроҳлик амалиёти ўтказилиб соғломлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Очик мулоқат”даги белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ф-33- сонли фармойиши ва йўл харитаси раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинди. Вилоят ҳокимлигининг 2022 йил 19 апрелдаги 131-10-0-F/22-сонли фармойиши асосида вилоятнинг маҳаллаларида янги ташкил этиладиган 70 та тиббиёт пунктларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 1 апрелдаги 99 сонли буйруғи асосида 19 хил турдаги тиббий ускуналар ҳамда 6 турдаги жиҳозлар билан таъминлаш учун маҳаллий бюджет маблағларидан 3.5миллиард сўм ажратилди. Бошқарманинг 2022 йил 22 апрел кунидagi 73 - сонли буйруғи билан Харид комиссияси тузилди ва аъзолари тасдиқланди. Харид комиссияси аъзолари томонидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда тиббий ускуна ва жиҳозлар учун техник талаблар ишлаб чиқиш, харид қилиш учун махсус ахборот порталидан аукцион савдоларига жойлаштирилди. Электрон дўкон ва миллий дўкондан тендерда фойиб бўлган тадбиркорлардан шартномалар асосида тиббий ускуна ва жиҳозлар харид қилинди ва ҳудудларга етказилди. Туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларининг барчасида босқичма-босқич “Электрон тиббий карта” тизими жорий этилади. Тиббиёт соҳасидан ташқари кластерларнинг яратилиши туфайли Тошкент вилоятида тиббий туризмни, хусусий тиббиётни ривожлантириш, инфратузилмани ривожлантириш ва шаҳарларнинг урбанизацияси, шунингдек, кичик ва ўрта бизнеснинг ўсиши учун кенг имкониятилар яратилмоқда.

Файзулло АБЛАЗОВ,
Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси молия иқтисод бўлими бош иқтисодчиси.

ЗДОРОВЬЕ

У МУЖЧИН И ЖЕНЩИН СИМПТОМЫ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ БОЛЕЗНЕЙ РАЗЛИЧАЮТСЯ

Новая работа ученых поможет врачам ставить "сердечные диагнозы" точнее. В ходе исследования врачи Американской Кардиологической Ассоциации изучали проявления заболеваний сердца у мужчин и женщин. Выяснилось, что они разные.



Специалисты сравнивали симптомы шести основных сердечно-сосудистых болезней, которые чаще всего являются причинами смерти: инфаркт, инсульт, аритмия, сердечная недостаточность, болезни клапанов и периферических сосудов. Выяснилось, что как мужчины так и у женщины при сердечной недостаточности испытывают боль в гру-

ди. Однако у женщин она сильнее. Сопровождают боль тревожность, одышка и общая депрессия, что редко случается у мужчин. Проллапсы клапанов вызывают у женщин сложности в выполнении физических нагрузок, одышку и слабость, а инсульт сопровождается нетипичными симптомами: головной болью, измененным психическим состоянием, комой или ступором. Заболевания периферических артерий ног вызывают у мужчин боли в икроножных мышцах, в отличие от женщин, которые либо боли не испытывают совсем, либо она локализуется в других местах.

Ученые выяснили также, что многие симптомы у женщин и мужчин отличаются по степени тяжести и началу возникновения. Работа опубликована в журнале *Circulation*.

Poisknews.ru.

НАСТОЯЩИЙ СУПЕРФУД: ПОЛЕЗНЫЕ СВОЙСТВА СЫРОЙ И КВАШЕНОЙ КАПУСТЫ

Есть капусту медики рекомендуют своим пациентам уже много тысяч лет. О ее уникальных свойствах еще в V веке до нашей эры писал "отец медицины", врач и философ Гиппократ. Право называться родиной этого чудо-растения уже несколько столетий не могут поделить сразу три страны: Италия, Греция и Грузия. Чем же так полезна белокочанная крассавица?

ИСТОЧНИК КЛЕТЧАТКИ

Капуста – уникальный продукт, который обладает невысоким калоражем. Это клетчатка, которая хорошо заполняет желудок, долго и трудно переваривается, а значит контролирует главного врага стройной фигуры – гормон грелин. Именно он пробуждает в человеке чувство голода. "Если перед едой выпить 1–2 стакана воды, то клетчатка, содержащаяся в капусте и в других овощах, впитает воду и пищевой комок станет большим. Тем самым происходит растяжение механорецепторов желудка и снижается уровень гормона грелина, который стимулирует аппетит", – подчеркнула врач-эндокринолог, диетолог Оксана Михалева.



ДЛЯ ПРОФИЛАКТИКИ СЕЗОННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

В то же время диетологи предупреждают: сырая капуста полезна не всем. Тем, кого беспокоят болезни желудочно-кишечного тракта, лучше обратить внимание на тушеную, вареную или цветную капусту. Остальным же врачи настоятельно советуют включить в свое меню квашеную капусту. Репутацию суперфуда квашеная капуста заработала прежде всего из-за высокого содержания витамина С – главного союзника в борьбе с коварными вирусами.

"Квашеная капуста – кладовая витамина С, а в сочетании с клюквой, мочеными яблоками и овощами, которые часто входят в рецепты приготовления квашеной капусты, ее полезные свойства усиливаются. Поэтому профилактика сезонных гиповитаминозов, дисбиозов кишечника очень важна за счет включения квашеной капусты на стол ежедневно", – говорит доктор медицинских наук эндокринолог-диетолог Анна Гончарова.

ПАНАЦЕЯ ДЛЯ ХУДЕЮЩИХ

Кроме того, квашеная капуста помогает распрощаться с килограммами жира. Именно поэтому ее называют панацеей для худеющих.

Квашеная капуста содержит большое коли-

чество полезных микроорганизмов. Это молочнокислые бактерии, которые являются про- и пребиотиками. Они способствуют балансу кишечной микрофлоры, а кишечная микрофлора вырабатывает специальные вещества, которые в том числе предотвращают развитие ожирения и диабета", – пояснила диетолог.

ДЛЯ НАСТРОЕНИЯ И ПРОФИЛАКТИКИ АЛЬЦГЕЙМЕРА

Пробиотики, содержащиеся в ферментированной капусте, улучшают также состояние микробиоты кишечника. Ученые уверены: от ее состояния зависит не только настроение человека, но и защита организма от токсинов, аутоиммунных заболеваний и даже болезни Альцгеймера.

"Если у человека есть генетическая предрасположенность, неадекватная иммунная реакция, да еще и плохая кишечная флора, то развиваются аутоиммунные заболевания кишечника", – предупредила Михалева.

ДЛЯ УПРУГОСТИ ТЕЛА И УКРЕПЛЕНИЯ КОСТЕЙ

Изучая этот продукт, ученые сделали и другие поразительные открытия. Оказывается, ферментированная капуста еще и действенное оружие в борьбе с целлюлитом. Она содержит бесценный витамин К, под влиянием которого в организме человека вырабатывается коллаген. Это белок, который синтезируется из аминокислот и делает тело упругим.

"Когда люди принимают коллагеновые коктейли, то коллаген там распадается на аминокислоты и не факт, что он снова соберется в тот же коллаген. А витамин К как раз регулирует, чтобы эти аминокислоты, хотя бы большая их часть, шли на построение коллагена", – отметил врач-диетолог доктор медицинских наук Алексей Ковальков.

А еще под влиянием супервитамина К наш организм вырабатывает особые белки: протромбин, регулирующий свертываемость крови, и остеокальцин, укрепляющий кости.

Игорь ПРОКОПЕНКО.

ПОДРОСТКИ, КОТОРЫЕ НЕ ВЫСЫПАЮТСЯ, ЧАЩЕ СТРАДАЮТ ИЗБЫТОЧНЫМ ВЕСОМ

Ученые доказали, что подростки, которые спят менее восьми часов в сутки, с большей вероятностью будут иметь избыточный вес или ожирение по сравнению со своими сверстниками, которые спят достаточно.

Новое исследование показывает, что большинство подростков не высыпается, и это связано с набором веса и избыточным весом, что потенциально создает для них проблемы в будущем.

В исследовании изучалась связь между продолжительностью сна и здоровьем у подростков-средний возраст состав равным количеством дней с плохого трев-Участники бы-



нии изучалась связь жительностью сна 1229 испанских ков. Исходный раст участни-лял 12 лет с личес-твом девочек. Сон в течение се-мощью порта-кера активности. ли разделены на ка-тегории с очень коротким сном (менее 7 часов), с коротким сном (от 7 до 8 часов) и с оптимальным (8 часов и более).

Избыточный вес и ожирение определяли по индексу массы тела. Исследователи рассчитали непрерывную оценку метаболического синдрома в диапазоне от отрицательных (более здоровых) до положительных (нездоровых) значений, которые включали окружность талии, артериальное давление, уровень глюкозы и липидов в крови.

В 12 лет только 34% участников спали не менее 8 часов в сутки, а в 14 и 16 лет этот показатель снизился до 23% и 19% соответственно. Мальчики, как правило, меньше спят. Подростки, которые спали больше всего, также имели более качественный сон, а это означало, что они меньше просыпались ночью и проводили большую часть времени во сне в постели по сравнению с теми, кто спал меньше. Распространенность избыточного веса/ожирения составила 27%, 24% и 21% в возрасте 12, 14 и 16 лет соответственно.

В настоящее время ученые изучают, связаны ли привычки плохого сна с чрезмерным временем перед экраном, что может объяснить, почему подростки старшего возраста спят еще меньше, чем младшие.

Екатерина МАЗЕИНА.

ГАСТРОЭНТЕРОЛОГ ПРЕДОСТЕРЕГЛА ОТ НЕДОСТАТКОВ ВИТАМИНОВ У ШКОЛЬНИКОВ

Нехватка витаминов и микроэлементов в организме школьника чревата негативными последствиями, особенно с учетом высокой степени нагрузки в учебном году. Детский гастроэнтеролог, эксперт компании SOLGAR Хабсам Абдулкеримва объяснила, почему так важно их потреблять.

Так, по словам специалиста, по мере взросления ребенка повышается и уровень его потребности в витаминах и микроэлементах, особенно в тех, которые отвечают за формирование мышц, клеток крови и костной системы. Постоянную усталость и снижение концентрации вызывает нехватка витамина D. Также важно поступление железа во избежание задержки моторного и психического формирования ребенка.

«В период резких скачков роста, характерных для определенных этапов детского организма, возрастает потребность в витаминах и минералах, участвующих в процессах синтеза рибонуклеиновых (РНК) и дезоксирибонуклеиновых (ДНК) кислот», – рассказала Абдулкеримва.

Другие необходимые витамины – С и А – помогают избежать проблем с кожей и зубами и повышают иммунитет.

Ранее кандидат медицинских наук, педиатр Ирина Добрецова рассказала, как можно укрепить иммунитет школьника без применения лекарств. В этом помочь может даже завтрак, который должен быть плотным, разнообразным и не состоять из одной каши. Это может быть фруктовый пюре, сырники, запеченная грудка. В качестве перекуса ребенку следует давать с собой банан или упакованную в контейнер грудку.

Iz.ru.

ШХТ САММИТИ

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ УЧУН "1303" ҚИСҚА РАҚАМЛИ
CALL-МАРКАЗ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити доирасида мамлакатимизга таширф буюрадиган чет эллик расмий делегация вакиллари ва меҳмонларга зарур ҳолатларда сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Самарқанд шаҳрида туну кун фаолият кўрсатувчи "1303" қисқа рақамли Call-марказ фаолияти йўлга қўйилди.



Бу ерда мутахассислар томонидан инглиз,

рус ва хитой каби хорижий тилларда тиббий мурожаатлар қабул қилинади. Шунингдек, зарурат туғилганда, таркибида деярли барча ихтисосликлар бўйича мутахассислар жамланган 50 та тиббий бригада ШХТ саммити делегациялари аъзоларига хизмат кўрсатиш учун шай ҳолатга келтирилган. Бундан ташқари, ҳар бир делегация вакиллари Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарга жойлашишдан олдин коронавирусга қарши ПЗР тестлари олинади.

Шу мақсадда саммит иштирокчилари ва меҳмонлар жойлашадиган меҳмонхоналарнинг ҳар бирида тиббий мобиль гуруҳлар ташкил этилган.

САМАРҚАНД ШАҲРИ АҲОЛИСИГА УЗЛУКСИЗ
ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистон мезбонлигидаги навбатдаги саммити ўтказилиши муносабат билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги шу кунларда шаҳар ҳудудида тиббий ёрдамни ташкил этиш бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Саммит кунлари давомида Самарқанд шаҳрида тиббий ёрдам 3 йўналишда ташкил этилади:

- тез тиббий ёрдам кўрсатиши;
- амбулатор ёрдам кўрсатиши;
- шифохонада шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиши.

Шаҳар аҳолисига 50 га яқин тез тиббий ёрдам машинаси ва шунча тиббий бригада жалб этилган бўлиб, улар чақириқлар бўйича одатдагидек фаолият олиб боради.

Амбулатор ёрдам кўрсатиш учун Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли барча оилавий поликлиникаларда одатдагидек соат 8:00 дан 20:00 гача иш фаолияти олиб борилади.

Шунингдек, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолига тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида оила шифокорлари ва 2 нафар ҳамширадан иборат тиббий пунктлар ташкил қилинган. Улар биринчи ёрдам учун зарур дори-дармон воситалари билан таъминланган бўлиб, бу орқали енгил даражадаги беморларга маҳалланинг ўзида амбулатор ёрдам кўрсатиш таъминланади.

Шошилинч ҳолатларда "103" хизматига мурожаат қилинади!

Алоҳида таъкидлаш жоизки, концерватив даволанишга муҳтож беморларга туман ши-



фохоналарида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун вилоят шифохоналарида фаолият кўрсатувчи малакали мутахассислар жалб этилади.

Бундан ташқари, шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда мобиль тез тиббий ёрдам бригадалари томонидан вилоят шифохоналаридан малакали мутахассислар туман ва шаҳар бирлашмаларига юборилиб, шу жойнинг ўзида шошилинч операциялар ўтказиш имкониятлари яратилади.

Бу борадаги барча ҳаракатлар вазирлик томонидан Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ташкил этилган марказий штаб орқали бошқариб борилади.

@SSVUZ

101 ОГОҲЛАНТИРАДИ

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР

Мана диёримизда қуз фасли ҳам кириб келди. Шу эсиқатдан шаҳримизда қурилиш майдонларида ёнғинлар кўпайиб бормоқда.

Тошкент шаҳар Фавкуллда вазиятлар бошқармаси ходимлари томондан, шаҳар ҳудудида янги қурилаётган кўп қаватли аҳоли турар жойлари ва маъмурий биноларда фавкуллда ҳолатларни ҳамда ёнғин хавфсизлиги таъминлаш мақсадида барча ишчи ходимлар билан йўриқнома ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарият сабаблари қурилиш бош пурақчилари томонидан қурилиш майдонида ва «вагонлари»да оддий бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларини риоя қилмаслиги ҳамда қурилишда ишлаётган қурувчилар томонидан электр ускуналарни ўрнатилганда, электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойларда ҳамда қурилиш вагонларини истишда электр иситиш анжомларидан фойдаланиш даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги оқибатида келиб чиқмоқда.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ёнғинлар келиб чиқиши тақдорланмаслиги учун қуйидаги қондаларга амал қилишнингизни сўраймиз, яъни:

– қурилиш майдонида устки изоляция қоплами шикастланган вақтинчалик ўтказилган электр симларидан фойдаланмаслик;

– электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойлар 5 м радиусда ёнғинчи буюмлардан тозаланиши, порт-

ловчи модда ва ускуналардан 10 м узоқликда бўлиши керак ҳамда ёнғин учирши воситалари билан таъминланиши керак;

– хоналарни иситиши ва қуриштириш учун қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик;

– хоналарда ҳар хил турдаги электр ускуналарни ёқув ҳолатда қолдирмаслик;

– носоз ҳолдаги устки изоляция қоплами шикастланган электр тармоқларидан фойдаланмаслик;

– қурилиш майдони бирламчи ёнғин учирши қалқонлари билан таъминланиши;

– қурилиш майдонида белгиланмаган жойларда тамаки чекишни таъқиқлаш ва чекиш учун махсус жой ажратилиши;

– қурилиш майдончасида очиқ алангандан фойдаланиш қатъиян маън этилади;

– қурилиш майдончасида вақтинчалик сақланувчи ёнғинчи қурилиш материаллардан қурилаётган ва вақтинчалик қурилган бинолардан 30 м масофада кам бўлмастлиги керак;

– қурилаётган бинонинг томида қор сақич эритиши таъқиқланади.

Азиз юртдошлар ёнғинни ўчиришдан кўра олдини олиш осонроқдир!

Баҳромхўжа АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳри, "Қорасув қароргоҳи" Давлат Резиденцияси
ЁХТТЕБ ЁН ва ПБ мутахассиси.

ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНГАНДА...

Тошкент шаҳри ҳудудидаги маҳалларда ва аҳоли турар жойларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлар, газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши, фуқароларни ис газидан заҳарлангани ва бошқа фавкуллда вазиятларни олдини олиш борасида ишлар олиб бориламоқда.

Профилактик тадбирларни янада жадаллаштириш мақсадида Тошкент шаҳар Фавкуллда вазиятлар бошқармаси ва ҳудудий «Газтаъминот» АЖ, «Электр тармоқлари» АЖ ва бошқа дахлдор идоралар вакиллари билан бир қатор профилактик ишлар амалга оширилмоқда, ноҳуш ҳолатларни олдини олиш мақсадида пойтахтимиз аҳолисига ис газидан заҳарланганда қандай биринчи ёрдам кўрсатилиши кераклигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Ис газни ҳонадонларимизда фойдаланиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, кўмир ва органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган газдир. Ис газни нафас йўллари ва нафас аъзоларига зарарли таъсир этади. Бундан ташқари марказий асаб тизимини шикастлайди.

Қуйидаги ҳолатларда ис газни ва табиий газ орқали фавкуллда вазиятлар келиб чиқиши мумкин:

– табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги;

– хонадонлар иситиши тизимларига табиий газнинг уланishiда меъёрий талабларга риоя этилмаслиги;

– табиий газдан фойдаланишида хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаслиги;

– иситиш учун мўлжалланган печкалар ҳамда мўриларнинг носоз ҳолати, уларнинг яхши тозаланмаганлиги ва бошқалар.

Табиий газ йиғилган вазиятларда, зудлик билан қуйидагиларга амал этиш лозим:

– хонанинг ойна ва деразаларини очиб, шамоллатиш;

– хонадаги электр жиҳозларни ёқмаслик;

– газ жўмрақларини беркитиш;

– хонада бўлган инсонларни тоза ҳавога олиб чиқиш.

Газ оқимини беркитишнинг иложи бўлмаса ёки ёрилган, синган ва тешиланган жойлар аниқланса, газ таъминоти авария хизматига хабар беринг. «104» телефон рақамини теринг.

Табиий ва ис газлари билан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавкуллда вазиятлар юз берса, заҳарланган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш зарур. «103» телефон рақами орқали «Тез тиббий ёрдам»га хабар беринг. Тиббий ходимлар етиб келгунга қадар кўрсатиладиган биринчи ёрдам:

– заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш;

– юзакки нафас олишида ёки нафас олиши тўхтаб қолганда сунъий нафас бериш;

– агар бемор ҳушида бўлса, тананинг юқори қисмини қисиб турувчи кийимлардан бўшатилиши;

– иссиқ кўк чой ичириш.

Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг, болаларингизни назоратсиз қолдирманг. Азиз ватандошлар огоҳ бўлинг доно халқимиз бежизга «Сен тинч – Ватан тинч», деб айтманг.

Жамол МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳри, "Қорасув қароргоҳи" Давлат Резиденцияси
ЁХТТЕБ катта инспектори.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўл ёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават.
Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 681 нусха.
Буюртма Г-940

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.